

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ
“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”
Факультет декани
_____ А.А.Юсупов
“ _____ ” _____ 2018 йил

5150800 – “Рангтасвир (Маҳобатли рангтасвир)” таълим йўналиши кундузги
бўлим

04-14-гуруҳ талабаси

Турдиев Аббос Шухрат ўғли

“ХАЛҚИМ ТАРИХИ” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: “Маҳобатли
рангтасвир” кафедраси
доценти
_____ С.М.Рахмонов

“Ҳимояга рухсат этилсин”
“Маҳобатли рангтасвир”
кафедраси мудири
_____ Ш.Р.Жуманиязов
“ _____ ” _____ 2018 йил

ТОШКЕНТ – 2018 йил

Мазкур Битирув малакавий иши “Маҳобатли рангтасвир”
кафедрасининг 201__ йил _____ даги № _____ сонли ва
Тасвирий санъат факультети Кенгашининг 201__ йил _____
_____ даги мажлисда муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчи: _____

Ҳимоя 2018 йил _____ соат _____да ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Миробод тумани Мироншоҳ 123 уй

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
АСОСИЙ ҚИСМ	
I БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНИК ТАРИХИ.....	8
1.1. Этник тарихини ўрганишда Шарқ ва Ғарб мамлакат манбаларининг аҳамияти.....	8
1.2. Ўзбек халқининг этник шаклланиши.....	14
II БОБ. ТАНЛАНГАН КОМПОЗИЦИЯ ТАХЛИЛИ.....	28
2.1. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.....	28
2.2. “Халким тарихи” композицияси ишланиш жараёни.....	29
Хулоса.....	33
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	36
Глоссарий.....	37
Илова.....	45

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти ҳар бир давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг маданияти, маърифат ва маънавиятига эгадир. Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Асрлар оша сайқалланган миллий маънавиятимизни юксак қадрлаб, ҳозирги пайтгача бўлган давр оралиғида ривожлантириб, ҳаётимизга тадбиқ этилаётганини айна мустақиллик даврида кўришимиз мумкин. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан –авлодга ўтиб келаётган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Миллий тафаккурдаги туб янгиланишлар санъатимизни қайта идрок этиш ва уни ижтимоий онгнинг бугунги даражасига мувофиқ санъатшуносликнинг мезонлари асосида баҳолаш заруриятини талаб этади. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган ҳоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган нихоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни, миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисидир. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгни шакллантиришда ахлоқий тарбия ибрат манбаига айланмоқда.

Табиат-улуғ ва моҳир рассомдир. Бу дунё шунчалик гўзал ва мукамал яратилганки, унга қараб тўймаймиз. Аммо кўпчилик табиат гўзаллиги барқарор эмас, ўткинчи деб ўйлайди. Жуда кам киши табиат ҳамиша гўзал эканлигини, ундаги ҳар бир ўзгариш бетакрор жозибага эга эканлигини ҳис этади. Шу билан бир қаторда азиз юртимизнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида унда мавжуд бўлган ва қолаверса асрлар оша ривожланиб, турли хил тарихдаги жангу жадаллар ва тўнтарилишу-

қўзғолонларга ва хаттоки йўқ қилиниш хавфига учраган аммо шуларга қарамай ўзлигини сақлаган ҳамда барчасига дош бериб келган халқимизнинг ноёб ва бебаҳо санъати ҳақида сўз юритиш жоиз деб билдим. Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг миллий анъаналаримиз ва қадриятларимиз қайтадан тикланди. Бу эса халқ амалий санъатида ҳам ўз аксини топди албатта. Санъатда янги яратувчанлик ва юксак тафаккур, яратилаётган чуқур маъно касб этиши, фикрлаш эркинлиги, ижод эркинлиги, фан ва техника тараққиёти халқимизнинг маънавий ҳаётига ижобий таъсир этди. Юртимизда фан ва санъат қанчалик ривожланса, фуқароларнинг ижодига ва иқтидорига бўлган талаб ҳам шунчалик ошди. Бу эса санъатнинг барча жабҳаларида енгилик ва яратувчанликнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Санъатнинг ҳаётимизни ўраб турган бошқа касбу ҳунарлардан фарқи шундаки у барчага бирдек бўла олади ва аксинча ҳар бир инсон учун индивидуаллик ярата олади.

Яъни инсонга оллоҳ томонидан берилган нафақат кўриш ва эшитиш қобилиятлари билан балки, хис этиш ва онг остидан идрок қилиш, ҳақиқатни англаш имкониятини яратади. Яратилган асарни томошабин ёшидан қатъий назар би хилда англаши, қабул қилиши мумкин ёки аксинча ҳар бир инсон дунёқараши, рухий кечинмалари ва тафаккур чегара даражасида индивидуал ғояни топиши ҳамда унга урғу бериб ўзича талқин этиши ҳам мумкин.

Тадқиқот мавзунинг долзарблиги. Мустақил тараққиёт даврида миллий маданият ва санъатнинг муҳим вазифалари қайтадан ўзгарди. Ўзбекистон рангтасвирида тамойилларни ривожланиш босқичларини рассомлар ижодида санъатшунослик асосида илмий ўрганиш, баҳолаш муҳим вазифаларни кўрсатиб бериш долзарб муаммолардан биридир.

Ўзбекистон бугунги кунда бўлаётган ўзгаришлар ва тараққиёт йўли ҳақида олиб борилаётган ишлар мустақил Ўзбекистоннинг равнақи йўлидаги бир восита бўлиб хизмат қилади дегн умиддаман.

Илмий изланишнинг мақсад ва вазифалари. Санъатшунослик нуқтаи назаридан юкланадиган вазифа рассом асарларидаги ютуқ ва

камчиликларни таҳлил қилишда бу каби асарларнинг яратилиши бугунги кунда рассомлар ижодида яратилаётган санъат асарларида намоён бўлмоғи лозим деб ўйлайман. Тасвирий санъат соҳасида иқтидорли ижодкорлар фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш. Шу боис замонавий маҳобатли рангтасвир санъатини ривожини ўрганиш ва шу соҳада яратган рассом ижодининг янги қирраларини, бадиий анъаналар доираси, ўзига хослик моҳияти ҳақидаги биринчи тарихий, назарий, илмий изланишлардан иборатдир. Санъат дунёси ва тарихда қолувчи ўрни ва жаҳон санъатига қўшган ҳиссасини ёритиб бериш, шу мавзу доирасида кичик илмий изланишлар қилиш ва келажакдаги ижодий фаолиятларим давомида мавзунини яна мукаммал давом эттириш унинг санъатдаги ютуқларини чуқурроқ ўрганиб, кейинги ва замонавий рангтасвир ижодкорларини таҳлил этишда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Барчамизга маълумки, юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг санъатнинг барча соҳаларини ўрганишга ва янада ривожланишига катта имкониятлар яратилди. Ижодкор аҳлига эса, эркин ижод қилиш ҳуқуқи берилди. Бу эса биз санъат ихлосмандлари учун энг катта яратилган шароит ва эркинлик эди. Албатта шундай муқаддас мустақиллигимиз йилларида санъатда катта ўзгаришлар содир бўлди. Ана шундай ўзгаришлар санъатнинг ҳайкалтарошликда ўз аксини топди.

Мазкур бакалаврлик диплом ишининг мақсади ижодий изланиш нуқтаи назарида тасвирий санъат соҳасида Ўзбекистон халқининг турмуш тарзини, кундалик ҳаётини, маиший жанрдаги рангтасвир асарида бадиий воситалар ёрдамида ифодалаш, мавзунини кенг қамровда очиб бериш ва оммага тарғиб қилиш.

Мавзунинг ўрганилиш даражасининг қиёсий таҳлили: Тадқиқотнинг ижодий қиммати шу билан белгиланадиган, унда иш жараёнида портретни унда назарияси чуқур таҳлил қилинади. “Халқим тарихи” композитцияси асослари, амалий машғулотларда назарий асосларидан фойдаланишнинг услуб ва шакллари тадбиқ этилади. Рангтасвир дарсларида

асар ишлашнинг мазмуни ва ишлаш йўллари ўзига ҳос жиҳатлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги шундаки, мен ишлаган композицияда роспись услуби да мавжуд бўлиб, бу услубда рассомларимиз кўп ишлаганлар. Шу билан бир қаторда айнан маиший-реализм ғоялар остидаги асарлар ҳам ишлаш бир мунча инсондан ақлий меҳнат ва тафаккур талаб қилади. Бу соҳада иложи борича тасаввуф илмидан яхши хабардор бўлиш зарар. Шу жиҳатдан ҳам бу Битирув малакавий ишим илмий янгилик десак хато бўлмайди.

Тадқиқот предмети ва объекти: Холст, мойбўёқ ташкил қилиб, бадиий ечими асосан ижодий устахонада турли илмий атрибутлар билан кўрсатилади.

Замонавий маҳобатли рангтасвир асарида объект – бу Шомахмудовлар оиласи портрети. БМИни ёритишда портретчи рассомларнинг ижоди илмий манбаа сифатида олинди.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти: Тадқиқот олиб борилган ушбу асардан келгуси рассомлар ижодида, олий ўқув юртларида, коллежларда илмий манбаа, ижодий намуна сифатида фойдаланиш мумкин. Замонавий маҳобатли рангтасвирда портрет жанри ва композиция хусусида мукамал тўплам ҳосил қилинган. Ушбу БМИда портретнависларнинг тарихи ва бугунги кундаги ўрни хусусида, тўлиқ боғлиқлик бор. Мазкур ёзма манбаадан амалиётда портрет тарихига мурожаат этишда кенг фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг иш структураси. Ушбу битирув малакавий ишининг иш структураси: кириш, асосий қисм, иккита боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иллюстратсиялардан иборат.

I БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНИК ТАРИХИ

1.1. Этник тарихини ўрганишда Шарқ ва Ғарб мамлакат манбаларининг аҳамияти.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези)ни ўрганиш масаласи кўпдан бери олимлар эътиборини жалб қилиб келмоқда ва бу орада анча ишлар ҳам қилинди. Аммо ушбу масалани мукаммал ҳолда ечиш ниҳоятда мураккаб бўлмоқда. Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби, қуйидагилардан иборат.

1) Ҳозирги ўзбек халқи кўп компонентли бўлиб, унинг аксарият қисми туркий қабилалар ва авлодлардан ташкил топган. Бунинг исботини ўзбекларнинг «92 уруғ» таркибига назар ташлаганимизда ҳам сезиб оламиз. Туркий қабилалар эса, ниҳоятда кўп нуфузли бўлиб, улар шарқда Корея чегараларидан бошлаб ғарбда Қора денгиз қирғоқларигача, шимолда совуқ жойлардан бошлаб жанубда Кавказ, Эрон тепалиги, жанубий Афғонистон ва Ҳимолайгача бўлган улкан ҳудудда ҳаёт кечирган. Улар ҳаётида кўп марта бирлашиш ва парчаланиш юз берганлиги ва гоҳ у, гоҳ бу қабиларнинг кучайиши натижасида туркий қабилалар орасида жойдан-жойга кўчиш, ўзга авлодлар билан аралашуш, авлодлар ва қабилалар бирлашиш ёки, аксинча, бўлиниб кетиш ҳолатлари кўп кузатилган.

2) Ҳозирги ўзбекларнинг асосий қисми Ўзбекистонда яшаса ҳам ўзбек халқининг шаклланиш жараёни фақатгина республикамиз ҳудуди билан чекланмаган.

3) Маълумки, Ўзбекистон ҳудуди минг йиллар давомида Буюк ипак йўли деб аталмиш савдо йўлининг чорраҳаси ҳисобланиб келган. Шу боис ушбу ҳудуд нафақат дипломатик, савдо ва маданий алоқалар, балки этник алоқалар чорраҳаси сифатида ҳам хизмат қилган. Тарихда бунга мисоллар кўп топилади.

4) Ўзбекистон ҳудудида ёзув кўп марта ўзгарган. Қолаверса, ҳозирги давргача сақланиб келган маҳаллий ёзма манбаларнинг энг кадимгиси IX–асрга таалуқлидир. Ундан олдингилар сақланмаган, ҳар ҳолда топилгани ҳам

айрим сўз ва юлуқ иборалардан нарига бормади. Халқимизнинг қадимги замон тарихига оид айрим маълумотлар эрон, юнон, арман ва хитой манбаларида сақланиб қолган. Шунинг учун ўзбек халқининг этник тарихини атрофлича ва батафсил тиклаш археологик қазилмалар натижаларига боғлиқ бўлибгина қолмай, балки турли даврлар ёзилган манбаларни ўрганишни ҳамда чуқур ва кенг доирали илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Бу долзарб ва мураккаб вазифани амалга оширишда хитой ёзма манбалари бениҳоя аҳамиятлидир. Айниқса, ўрта асрлар ва ундан аввалги даврлардаги аجدодларимизга алоқадор маълумотлар қадимги хитой манбаларида кўп учрайди. Шундай экан, хитой манбалари халқимизнинг этник тарихини ўрганишда қандай масалаларга ойдинлик киритиб бериши мумкин, деган саволнинг келиб чиқиши табиийдир. Бу масалада фикр юритар эканмиз, аввало таъкидлаб ўтиш лозимки, хитойлар минг йиллар давомида ўзининг шимолий ва ғарбий томонида яшаган халқлар билан жиддий сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатган ва улар ҳудудидан ўтган савдо йўлларини ўз назорати остига олишга ҳаракат қилган. Бунинг учун атрофдаги халқлар ҳаётини, улар орасидаги муносабатларни ўрганишга ҳаракат қилган. Бу ҳаракат мазкур халқларга элчилар, сайёҳлар ва савдогарлар юбориш, келган элчилар ва тижоратчилардан маълумот олиш ҳисобига амалга оширилган. Шунинг учун хитой манбаларида савдо йўлларига, атрофдаги мамлакатларга ва улардаги шаҳарларнинг мудофаа аҳволига, давлатлараро муносабатларга тегишли, қабилалар ва улар орасидаги муносабатларни акс эттирадиган маълумотлар кўп учрайди. Албатта, бизгача сақланиб келган хитой манбаларининг аксарият қисми расмий манбалар ҳисобланади. Шунинг учун уларда айрим камчиликлар йўқ эмас.¹ Шунга қарамасдан хитой манбаларидаги амалий маълумотлардан тўла фойдаланиш ўзбек халқининг этник тарихи, айниқса ушбу тарихнинг қадимги замон даври ва бу борада биз учун жумбоқ бўлиб келаётган айрим масалаларни аниқлаш масаласи учун

¹ Қадимий хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар // «Ўзбекистон тарихи» № 1, 2003. 4 бет

ахамиятлидир. Масалан, дунё адабиётида ўзбек халқи туркий халқларнинг бир қисми эканлиги эътироф этилади ва бу ҳақда кўп тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо турклар қачон пайдо бўлган деган масала ҳанузгача мунозарали бўлиб келмоқда.²

Тадқиқот натижаси кўрсатишича, турк атамасининг хитой манбаларида пайдо бўлганига 3,5-4 минг йилдан ошган. Демак турк халқи хитойларга маълум бўлишдан олдин мавжуд бўлган ва улар хитойларнинг шимоли ва ғарбий томонларида яшаган. Қадимий турклар номини хитойлар аввалига туйик, туаук (ҳозирги ўқилишда ди, ти), кейнчалик дили, тили, динглинг, телэ деб талаффуз этишган. Ушбу хитойча атамалар турк ва турклар атамаларининг хитойча транскрипциясидир. Шунинг билан бирга хитойлар қадимда туркларни умумий ҳолда рунг (жангчилар ёки одамлар), бэйрунг (шимолилик жангчилар), рунгди (турк жангчилари), куйрунг (кун томон, яъни шарқ томонли жангчилар) деб ҳам аташган. Ушбу атамалар туркларга хитойлар томонидан қўйилган номлардир. Уларни турк сўзининг транскрипцияси эмас, балки синонимлари деб айтиш мумкин. Хитой манбаларида кўп учрайдиган «Сиюйъ («Ғарбий мамлакатлар») топиними аслида сирунг (ғарбий томонли жангчилар ёки одамлар) сўзидан трансформация қилган. Тарихий адаётларимизда юқорида тилга олинган қадимий турклар билан Олтойда пайдо бўлган турк қабиласи ўртасидаги муносабатлар ҳам ноаниқ қолган масалалар қаторига киради. Бу масалага оид хитой манбаларини ўрганганимизда шуниси аниқ бўлдики, қадимий турклар таркибида Ашина авлоди бўлмиш турк деб номланган қабила ҳам мавжуд бўлган. Бу қабилани хитойлар аввалига турухэ деб аташган. Кейинчалик ушбу қабила ички курашлар натижасида вайронагарчиликка учраб, Олтойга қочиб борган ва у ерда кучайиб, улғайиб, қайтадан тарихий сахнага кириб келган. Шунда хитойлар ушбу қабилани тукивет, ҳозирги замон талафузида

² «Ўзбекистон тарихи» номли журналнинг 2003 йил биринчи сониди ва «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият» номли тўпламда эълон қилинган мақола 48

тужюэ деб аташган. Турухэ турк, тукивет, турк—ут (ут кўпликни билдирувчи кўшимчадир), яъни турклар сўзининг хитойча транскрипцияларидир.

Турк хоқонлигининг Шарқий ва Ғарбий турк хонликларига бўлиниб кетиши жараёнида ва улар емирилган даврида туркий қабилаларнинг жойдан жойга кўчиш, парчаланиш ва айрим қабилаларнинг бирлашиши туфайли янги қабилар иттифоқининг юзага келиши ҳамда шу асосда янги этнонимларнинг пайдо бўлиши кузатилган. Масалан, хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, қадим замонда мавжуд бўлган сир ва тордуш (се ва янто) қабилалари бирлашиб кетиши асосида сиртордуш деб номланган қабилалар иттифоқи юзага келган. Турк хоқонлиги парчаланганда ушбу иттифоқ уйғур деб номланган катта нуфузли қабилалар иттифоқи таркибига кириб кетган. VIII-IX асрларда мазкур уйғур деб номланган иттифоқ таркибида 22 қabila мавжуд бўлганлиги кузатилган. Булар уйғур, буку, хун, байирғу, тунгро, тилонғут, изгил, чигил, чибни, басмил, қарлук, адиз, сиртордуш, байсар, ёғлиқор, кутриғур, букосқир, овчағ, ҳозар — қасар, хўғурсу, ёғма, оявир қабилардан иборат бўлган.³ Қорлуклар мўлў, тошли, чиз (чиси) каби 3 қабиладан ташкил топганлигини инобатга олганимизда уйғур деб номланган қабилалар сони 24 тадан иборат бўлади. Айни замонда хитой манбаларида тилга олинган туркий қабилаларнинг умумий сони 58 дан иборат бўлган.⁴

IX асрнинг ўрталарида Уйғур хоқонлигининг емирилиши натижасида уйғур деб номланган қабилаларнинг катта бир қисми Туркистонда тарқалган. Буларнинг кўпчилиги ўзбеклар таркибида мавжуддир. Келтирилган 22 қабилла ичидаги одиз қабиласи аслида Сирдарёнинг Ясси деб номланган бир ирмоғи бўйида яшаган бўлиб, кейин шимолга кўчиб борган. Дунё адабиётида хунлар кимлар, улар турклар таркибидаги бир қабилами ёки турклар хунлар таркибида бўлганми деган масала муназарали бўлиб келмоқда. Хитой манбалари асосида олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, бундан 3 минг йил муқаддам мавжуд бўлган қадимий турклар таркибида хун деб

³ Қадимий хитой манбаларидаги туркий халкларга оид айрим этнонимлар // «Ўзбекистон тарихи» № 1, 2003. 3 - 11 бет ва «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. Тошкент, 2003. 176 - 184 бет;

⁴ Абдулаҳад Хўжаев, Комилжон Хўжаев. Қадимги манбаларда халқимиз ўтиши. Тошкент. 2001. 22-бет

номланган қабила ҳам бўлган. Ушбу қабиланинг номини хитойлар юн, шюн, шюнюн, хун деб транскрипция қилишган. Милоддан аввалги III асрда хун қабиласи кучайиб барча туркий қабилаларни бирлаштиргандан сўнг ушбу атама уларнинг умумий номига айланган. Бу ҳол милодий II асргача давом қилган. Хитойлар юзага келган кенг маънодаги хун сўзини шюнну деб транскрипциялаштиришган ва шунинг билан хун деб аталган бир қабила номи билан қабилалар иттифоқи номини бир-биридан ажратган. Хун империяси емирилгандан сўнг хунлар таркибидаги қабилаларининг аксарият қисми ўз номларини қўллай бошлаган. Хитой олимларининг тадқиқотларида кўрсатилишича милоддан аввалги III асрда хунлар ҳаётида деҳқончилик, хунармандчилик чорвачилик билан бирга ривожланган. Кўп тарихий асарларда хунлар чорвачи халқ бўлган, деган фикр ўрнашиб қолган. Хитой манбаларида Хун империяси емирилгандан сўнг мавжуд бўлган қабилалар ва уларнинг жойлашиши ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Масалан, Бэй ши (Шимолий сулолалар тарихи), Суй шу (Суй сулоласи тарихи) қаби манбаларда зикр этилишича, милодий III-V асрларда ғарбда Қора денгиз бўйларида шарқда Манчжуриягача бўлган ҳудудда туркий қабила яшаган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат бўлган: буку (буғу, буку), тунгро, уйғур, (уйхўр), бойирғу, бўркли, мичин, (мунчин, мчин), туруғур (турухўр), хун, хоғурсу (хў, сир), изгил, чибни (чевик, жабирқо), бўржи, озий, сиғнок, нок (баъзилар супу билан нохэни қўшиб сиғёнок деб атайдилар), ўғуз, қирғиз, иртиш, униғур (урянгхай), сиртордуш, длер (жарук), забандер (забиндер), тургеш (дачи), одиз, хозор, булғор, печенег, (бачанег), тўғой (тўрғой, қўғой), қипчоқ (босмил), бўртос, свор (сибир), емак (емок), гот (гоч), сариғур (сароугур), саксин (соксин), мокшос (мокшўс), черкес, онгор (онғор), кутриғур (кутригур), олан (олан, ойрун), бошқирд, вохун, оворхун (оворхун), туво (тубо).

«Танг шу» (Танг сулоласи тарихи) нинг 144-бобида келтирилган маълумотларга кўра, 612- 626 йилларда турклар ўзининг олдинги қудратини йўқотиб, бир неча гуруҳларга бўлиниб кетган. Булардан сиртордуш

(сеяньто), чибни (чиби), уйғур (вэйхэ), тува (дубу), кувурқон (гулиган), тиланғут (дулангэ), буку (пугу), байирғу (боегу), тунгро (тунгло), хун (хун), изгил (сиже), хошеут (хуше), чигил (шиже), адиз (оде), бўлсар (байси) каби қабилалар ғарбдан Мўғилистондаги чўлнинг шимолига кўчиб борганлиги кўрсатилади. Ушбу маълумотдан маълум бўладики, VII асрда турк қабилалари ҳаётида катта кўчиш ва қайтадан гуруҳларга ажралиш юз берган. Ўзбеклар таркибида қангли (кангли) деб номланган авлод борлигини 92 ўзбек уруғлари қаторидан топишимиз мумкин. Хитой манбалари ушбу авлоднинг тарихига, айниқса унинг келиб чиқишига оид қизиқарли маълумотлар келтиради. Бинобарин, қангли (араваликлар) хитой манбаларида гаочэ (баланд аравалилар маъносини англатади) деб номланади. Хитой манбаларида кўрсатилишича, гаочэ 18 қабиладан иборат бўлган. Буларнинг бир қисми чифули (чипули), тулу (тур), ижан (илжон, илхон), далян (тарлан), кухэ (куға), добуган (тарбоқон, давгон), олун (ойрун), моюн (муен, баен), сифэн (иркин), фуфуло (бўрклик), чиюн (киюн, киен, кийу) ва юшупи (юсиб, юшиб) каби 12 қабиладан ташкил топган. Гаочэларнинг иккинчи бир қисми турк (тиук, ди), уйғур, хўғурсу, чибни, қирғиз ва илтекин (ичижин) каби 6 қабиладан иборат бўлган. Шундан маълумки, қангли атамаси катта бир гуруҳ қабилаларнинг умумий номи. Уни бир уруғ ёки қабила деб бўлмайди. Ўзбеклар таркибидаги бир қатор авлодларни XIII асрлардаги мўғуллар (рус адабиётида монгол, хитой манбаларида мэнгу) таркибида учратамиз. 92 ўзбек уруғлари орасида жалоир, найман, кираит, тотор ва бошқалар каби авлодлар ана шулар жумласидандир. Сабабки, Монгол (Мўғул) деб номланган этнос кўп компонентли бўлиб, унинг аксарият қисми Олтой, ҳозирги Монголия ва ички Монголия ҳудудларида қадимдан яшаб келган туркий қабилалар ва қабилалар иттифоқларидан ташкил топган. Айнан шундай маълумот буюк тарихчи Рашид ад - Диннинг «Жомий ат-таварих» номли асарида ҳам учрайди. Бинобарин, олим асарининг иккинчи боби «Айни замонда мўғул деб аталадиган турк қабилалари ҳақида» деб номланган. Бундан ташқари Монгол империяси

даврида ва ушбу империя емирилгандан сўнг Марказий Осиёда катта миграцион жараён юз берган. Шунда айрим авлодлар Монголия худудини тарк этиб Туркистонга кўчиб келган. Кейинчалик улар ушбу минтақадаги халқлар, жумладан ўзбек халқи таркибига кириб кетган. Юқорида тилга олинган хабарлар хитой манбаларида келтириладиган маълумотларнинг айрим бир қисмидир. Шундай бўлса ҳам улар ўзбек этносининг шаклланишини ўрганишда хитой манбаларининг аҳамияти нақадар муҳим эканлигини англатади. Ушбу манбалардаги маълумотлар чуқур ва атрофли ўрганилса халқимизнинг келиб чиқиши тарихига оид кўп номаълум ва кам маълум бўлган масалаларга аниқлик киритиш мумкин бўлади.⁵

1.2. Ўзбек халқининг этник шаклланиши

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 1998 йилда бўлиб ўтган бир гуруҳ тарихчилар билан бўлган суҳбатида, ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, эллатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг махсулидир» -деб таъкидлар экан, «Биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак»⁶ деган муҳим масалани ўртага қўйди. Ҳар қандай халқнинг келиб чиқиши (этногенези) мураккаб ва долзарб муаммо бўлиб, умум тарих фанининг ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу кунларга қадар халқнинг келиб чиқиши ёки этногенези тўғрисидаги масала алоҳида фан сифатида шаклланиб етмаган, аммо яқин келажакда ўзида қатор ижтимоий ва табиий фанлар ютуқларини мужассамлаштирган этногенез фанининг юзага келишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Тарих, археология, тилшунослик, топономия, этнография каби фанларнинг жаҳон миқёсида қўлга киритган ютуқларини, илмий жиҳатдан муҳим фикр мулоҳазалари ва хулосаларини менсимай, тор миллатчилик доирасидан чиқа олмай мулоҳаза юрити нафақат фанда, балки сиёсатда ҳам энг катта зарарли

⁵ Кадимий хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар // «Ўзбекистон тарихи» № 1, 2003.3 - 11 бет ва «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. Тошкент, 2003. 185 бет;

⁶ И.А.Каримов «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». 1996 й-14 б.

холатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам ўзбек, тожик, туркман, киргиз ва бошқа Марказий Осиё элат ва халқларнинг этногенези, яъни келиб чиқиши муаммоларини фақат жахон фани ютуқларига таянган холда тўғри, объектив ва холисона халқ этиш мумкин.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези) нихоятда мураккаб ва жуда узоқ тарихга эга бўлган жараёндир. Бу соҳада фан ҳозирги кунга қадар маълум ютуқларга эришган. Хусусан, Фарғона водийсидаги Селунғур ва Сурхондарёдаги Тешиктошдан топилган қадимги аجدодларимиз қолдиқлари Ўзбекистонда, Африка ва Олд Осиё ҳудудлари билан бир қаторда, ҳозирги замон одамларининг пайдо бўлиши жараёни юз берган ҳудуд таркибига кириши фанда узил-кесил исботланган. Айрим олимлар томонидан билдирилган «Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон, қадимий даврлардаги монголоид ирқ шаклланган ҳудудга киради», деган фикрнинг илмий асоссизлигини антропологик маълумотлар тасдиқлади. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини ўрганиш қанча узоқ яъни энг қадимги даврлардан бошланса, шунчалик унинг таркибига ҳозирги кунга қадар сақланиб келинаётган ирқий ва этник унсурларнинг маҳаллий халқ таркибига кирган даври ва унинг нисбий миқдори тўғрисида кенгроқ фикрга эга бўламиз. Кейинги даврда ўтказилган тадқиқотларда, Марказий Осиёда, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган ибтидоий аҳолининг антропологик жиҳатдан европеоид ирқининг жанубий ёки Ўрта Ер денгизи пуштига яқин эканлиги исботланган. Ўзбекларнинг жанубий европеоид ирқининг ўзига хос пушти эканлиги жанубий Ўзбекистонда кашф этилган. Марказий Осиёдаги энг қадимий мустъе даврига оид палеолит боланинг Тешиктошда топилган суяк қолдиқлари орқали исботлаш мумкин. Мазкур ирққа ўхшаш типларнинг Ўрта Ер денгизи, Олд ва Жанубий Осиёнинг айрим районларида топилганлиги диққатга сазовордир.

Сурхандарё ва Фарғона водийсининг турли жойларидан топилган ҳар хил қурол ва буюмлар, маданий қатламлар бу ерда яшаган аҳоли, тешиктошликлар сингари, овчилик ва теримчилик билан шуғулланиб,

оловдан кенг фойдаланганликлари тўғрисида хулоса қилишга имкон берди. Демак, археологик ва плеантропологик тадқиқотларга қараганда, тарихий-маданий ва этник жihatдан Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон инсоният тараққиётининг энг илк давларидан бошлаб Олд Осиё билан боғлиқ бўлган. Балки палеолит даврида Марказий Осиёга аҳоли Олд Осиёдан кучиб кела бошлаган ва кейинчалик овчи ва теримчи қабилаларнинг кўчиш жараёни давом қилиб тургандир. Бунга Мачой ғоридан топилган мезолит даврига оид одам суяги қолдиқлари ва жуда кўп моддий буюмлар далил бўлади. Бу макондаги маданий қатламларга ўхшаш топилмалар Тошкент воҳасида, Туркистонда Жанубий Козоғистон ва Осиё мамлакатларидаги мезолит обидаларидан топилган буюмларга ўхшайди. Палеонтропологик тадқиқотлар мазкур маконларда яшаган аҳоли европеоид ирқига мансуб эканлигини тасдиқлаган. Топилмалар Марказий Осиё аҳолисининг энг қадимий давлардан кўшни элатлар, айниқса давлардан жанубий ва ғарбий қабилалар билан алоқада бўлганлигини исботлайди. Археологик тадқиқотларнинг натижаларига қараганда Марказий Осиёда яшаган халқларнинг пайдо бўлиши мазкур хўжалик-маданий типларнинг тарихи билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг этник хусусиятларини белгилаб берган. Марказий Осиёнинг жанубида, шу жумладан Фарғонада энеолит ва бронза (Мил. Авв. II минг йиллик бошларида (сунъий суғориш деҳқонлиги, тош қуроллар билан бирга илк металл қуролларининг ишлатилиши, ҳам эшитдан қурилган уйларнинг, чархда ясалган безакли сопол идишларининг пайдо бўлиши маҳаллий қабилаларнинг жойлашиши ва уларнинг алоқалари қандай бўлганлигидан далолат беради. Археологларнинг фикрича, эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида Амударё қўйи оқимида пайдо бўлган Тозабоғёб маданияти Жанубий Урал бўйи давлатларида шаклланиб, Хоразмга Шимол-Шарқ Оролбўйи орқали келган, деб фараз қилинади. Тозабоғёб маданиятининг тарқалган даври Хоразмда энг қадимги ирригациянинг пайдо бўлишига тўғри келган. Эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида Хоразмга Тозабоғёб

маданиятига оид қабилаларнинг келиши ҳинд-европа ва хинд-эронлик қабилаларнинг шимоли-ғарбдан катта кўчиши билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Кейинги вақтда ўтказилган қазилмалар ҳам Марказий Осиёнинг жанубий минтақаларида Тозабоғёб маданиятининг таъсири кучайганлигидан, дашт қабилаларининг Марказий Осиёга йирик кўчишлардан дарак беради. Бундай қабилаларнинг жануб, жануби-шарк томон кучли ҳаракати эр. Аввал. II минг йиллик охири I-минг йиллик бошларида рўй берганлиги тарихдан маълум. Бу ҳаракатда сувергон маданиятига эга қабилалар ҳам иштирок қилган. Археологик материаллар мазкур чорва қабилаларининг (мил.авв. X асрларда) Ўзбой, Атрек, Тежен, Мурғоб, Амударё, Сирдарё каби дарёлар бўйлаб кўчиб ўтганлигини тасдиқлайди.⁷

Палеонтропологик маълумотларга қараганда, палеолит даврида Олд Осиёдан шимоли-ғарб томон, яъни Ўрта Осиёга очилган кўчиш йўли кейинги неолит ва жез (бронза) даврига келиб янада кучаяди. Янги даврда мазкур тарихий-маданий ва этник алоқалар янада кучайганлигини археологик қазилмалар ҳам тасдиқлайди. Айниқса жез (бронза) даврига оид топилган кўп сонли қабрлар ўша вақтда яшаган аҳолининг антропологик тузилишини аниқлашга ёрдам беради. Антрополог олим Т.К. Хўжайов таърифича, Ўзбекистонга шимолий-ғарбий томондан Европанинг юқори палеолит, мезолит ва неолит аҳолиси вакиллари кела бошлаган, жанубда эса, жанубий европеоид типлар келиб, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил қилган. Унинг тахминича, ўша даврдан бошлаб ўзбек халқининг шаклланишида ўзига хос европеоид компонентлар асос бўлган. Мазкур фикрни археологик кашфиётлар ҳам тасдиқлайди.⁸

Эрамиздан аввалги I минг йилликда Марказий Осиёда ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, шаҳар-қалъаларнинг пайдо бўлиши, йирик суғориш ва

⁷ <https://www.urgiltma.uz/uz/manaviv/millivgova>

⁸ И.Жабборов. Ўзбек халқининг этнографияси. Т., «Ўқитувчи», 1994, 58-бет

мудофаа иншоотларининг қурилиши даставвал текин кўл меҳнатисиз мумкин эмас эди.

Милодийдан аввалги VI-V асрларда ташкил топган қадимги Бактрия ва Хоразмда яшаган ҳозирги ўзбек, тожик ва қисман туркманларнинг аجدодлари асосан эроний тилларнинг шарқий шахобчаси ва қисман туркийлашган сак ёки скиф тилларида гапиришганлар. Ўзбек халқига хос Марказий Осиё икки дарё оралиғи ирқининг шаклланиш даври, макони ва тарихи масалаларида фанда яқин-яқингача ягона фикр йўқ эди. Бир гуруҳ олимлар бу ирқ бундан 6-8 минг йил илгари, иккинчи гуруҳ мутахассислар 3 минг йил илгари шаклланган деса, учинчи гуруҳ олимлари эса XVI асрларда шаклланди, деб ҳисоблар эдилар. Антропологик изланишлар натижасида муаллифлар икки дарё оралиғидаги ирқнинг шаклланиши, жуда бой антропологик маълумотлар асосида, бундан 2200-2300 йил илгари бошланганлигини исботладилар. Қатор илмий асарларда ўзбек халқининг шаклланишида бир қатор муҳим дарлар санаб ўтилган. Булар қаторида Аҳамонийлар, Искандар Зулқарнайн Араб халифалиги, муғуллар истилоси тилга олинади. Ҳақиқатан, бу босқинчиликлар Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари маданиятига тилига, турмуш тарзга, табиийки, ўз таъсирини ўтказган. Аммо бу юришларнинг маҳаллий халқларнинг брқий ва этник тарихига таъсири ўта кам бўлганлигини алоҳида таъкидлаш керак! Антропологик нуқтаи назардан қараганда, улар маҳаллий халқ қонини ёки гегетикасини тубдан ўзгартираолмаганлар, ўзгартиришлари ҳам мумкин эмас эди. Чунки ҳеч қачон келгиндилар маҳаллий аҳолидан устун бўлиши мумкин бўлмай, балки кўпсонли маҳаллий аҳоли таркибига улар кетиб, маҳаллий аҳоли, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида барча тарихий даврларда (махсус антропологик тадқиқотларнинг кўрсатишича (маҳаллий халқ келгинди аҳолидан ҳамиша устун бўлган. Бу масалага Президент И.Каримов тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда аниқ ва равшан ҳамда мутлақо инкор этиб бўлмайдиган ўз нуқтаи назарини билдириб, фикримизча, охирги нуқтани қўйди:

«Мовароуннаҳр сарҳадларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолар ҳукмронлик қилмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Аҳмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Мўғилистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолди-ку. Хўш, бунда қандай сир-синоат бор? Халқ қандай ички куч-қудратига ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми? .. » Ислом Каримов яна шуни таъкидлаб айтдиларки: «Дунё халқлари ва хусусан, юртимиз тараққиёт йўлининг асосий қонуниятларини мантиқий таҳлил қилсак, шу нарса аён бўладики, Александр ҳам (уни Шарқда кўпроқ Искандар Зулқарнайн деган ном билан билишади), Қутайба ҳам, Чингизхон ҳам генерал Черняев ҳам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ун минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишғол қилган ва бу ердаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган. Яна такрорлайман: сиёсий ҳокимиятни. Тамом, тўғри ҳукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иқтисодий, савдо, илмий маданий имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бироқ, шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўқ қилолмаганлар, қилолмасдилар ҳам! «Тарих -халқ маънавиятининг асосидир:

Ўзбек халқининг этник шаклланиш тарихи асосан учта тарихий даврга бўлинади:

Биринчи давр: Милоддан аввалги биринчи минг йилликдан милодий VIII асрга бўлган даврни ўз ичига олади. Мил. Авв. III-II асрларда Марказий Осиё дашт минтақаларида ҳозирги ўзбек халқига хос антропологик қиёфа шакллана бошлаган. Бу эса фанда яқингача кенг тарқалган фикрлар, яъни ўзбекларга хос Марказий Осиё икки дарё оралиғи ирқи аввало Волга дарёси бўйларида ва Уралда сармот қабилалари таркибида шаклланиб тарқалди.

Байкал кўли атрофида шаклланиб тайёр холда маҳаллий аҳолига ўз ирқини тарқатди, деган фикрлардан воз кечишни тақозо этади. Тадқиқотларга кўра, Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Паркана, Тохаристон, Чоч ҳудудларида ўтроқ ва кўчманчилик билан шуғулланиб келган аجدодларимизнинг турмуш тарзи бир бирига чамбарчас боғлиқ бўлганлиги аниқланган. Шу ҳудудларда асрлар давомида яшаб келган массагетлар сақлар, хоразмийлар, бактрлар, суғдийлар, тохарлар, давонликлар ўзбек халқининг асосини (этногенези) ни ташкил этади. Олиб борилган тадқиқотлар ўзбекларга хос антропологик қиёфаси, даставвал, Сирдарёнинг ўрта хавзаси туманларида, яъни Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, қисман Хоразмда ва жанубий Қозоғистоннинг Чимкент вилояти, Еттисув минтақасида мил. Авв. I минг йиллик охирида шакллана бошлаганлиги аниқланади. Мил. Авв. III-II асрларда бу аҳоли бир неча йўналишда Марказий Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятларига кириб борган. Бу антропологик тадқиқот натижалари ёзма манбаларда маълум бўлган халқларнинг жанубга юриши ва Юнон -Бактрия давлатининг тор-мор этилиши ва Буюк Кушон салтанатининг барпо бўлиши даврига мос келади. Ўзбекларнинг келиб чиқиши қадим тарихида сақлар, массагетлар, тохарлар номи билан машҳур бўлган ва қадим замонларда Марказий Осиё ҳамда унинг теvarак атрофида кўчиб юрган халқларга Суғд, Хоразм, Бактрия, Паркана (Фарғона) ва Шошнинг қадимий халқларига бориб тақалади. Ўшанда улар яшаб турган воҳа номи билан суғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, парканаликлар, тошкентликлар деб аталиб тарихда қолган. Ўзбек ва тожикнинг халқ бўлиб шаклланишида мил. авв. биринчи минг йилликнинг охирлари ва милодийнинг дастлабки асарларида Жайхун ва Сайхун оралиғига кўчиб ўтган бир қатор туркийзабон халқлар ва Жайхуннинг жанубидан кўчиб ўтган форс тилида сўзлашувчи қабилалар, шунингдек IV-V асрларда бу ерга шимол тарафдан кўчиб ўтган хионит кидарит ва эфталит деб аталувчи халқлар ва нихоят, Марказий Осиёда ўз

хукмронлигини ўрнатган Ғарбий Турк ҳоқонлигининг туркийзабон халқи катта роль ўйнайди.⁹

Ўзбек халқининг этник шаклланишидаги иккинчи муҳим давр бу IX-XII асрлар ҳисобланади. Бу даврда Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистон ҳозирги ўзбекларга хос қиёфа маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил этган. Илгарилари бу жараёни фақат XI-XII аср этник жараёнлари билан боғлаб қурилган. Кейинги йиллардаги топилган шу давр материалларини икки тарихий даврга яъни IX-X ва XI-XII асрларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда. IX асрда Ўзбекистон ҳудудида, тадқиқотлар натижасига қараганда, аҳолининг антропологик қиёфасида кескин ўзгаришлар юз берган. Бу ўзгаришлар археологик қазилмалар натижасида ҳам кузатилган. Ўзбекларнинг элат сифатидаги шаклланиш даври фанда XI-XII асрлар билан изланиб келинар эди. Тадқиқот натижалари бу жараёни IX-X асрларга оид дейилишига асосдир.

Ўзбекларнинг этник таркиби IX-XII асрларда бойиди ва такомиллашди. X асир охири - XI аср бошларида қорахонийлар билан бирга Олтой, Еттисув ва Шарқий Туркистондан Мовароуннахрга кўчиб келган бир талай аҳолининг этник жиҳатдан такомиллашувига таъсир қилди. Қорахонийлар даврида ўзбек тилига асос бўлган қорлуқ-чиғил лаҳжаси ривожланди ва ёзма адабиёт даражасига кўтарилди ва ушбу лаҳжа ўзбек халқининг умумий тилига айланди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғат ат -турк», Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлари» асарлари ўша даврнинг ажойиб маҳсулидир.

XI аср бошларида юртимизга Чингизхон катта қўшин билан бостириб кирди. Бу қўшин таркибида мўғуллар билан бир қаторда кўплаб турклар ва турклашган мўғуллар билан бир қаторда кўплаб турклар ва турклашган мўғуллар ҳам бор эди. Бу қабилалар, шубҳасиз, ўзбек халқининг этник таркибини бойитди.

⁹ www.e-tarix.uz/vatan-tarixi/181-millat-shakillanishi

Афсуски, фанда мўғул истилоси Марказий Осиё аҳолисини кескин мўғуллаштириб, ўзгартириб юборди, деган фикр ҳам бор. Лекин олимларимизнинг олиб борган махсус тадқиқотлари бу масалага ойдинлик киритди. Мўғул истилоси Ўзбекистон аҳолисининг ташқи қиёфасига сезиларли изларини қолдирмаганлигини таъкидламоқ керак. Сабаби, Чингизхон XII аср охирида ташкил этган йирик Мўғул давлатида мўғуллар сони тахминан 0,7 миллион кишидан иборат бўлган. Агар ҳар 6 кишидан биттаси аскарликка олинган бўлса. Унда мўғул қўшинлари сони 100-110 минг кишидан иборат бўлган. Лекин ўша даврдаги 80 миллион аҳолиси бўлган Хитойга юриши даврида мўғуллар ўз қўшинларининг кўп қисмини йўқотганлар. Улар Мовароуннахрнинг бостириб келганида қўшинларнинг кўпчилиги туркий халқлардан ташкил олгани маълум. Бу даврда Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатида 20 миллион аҳоли яшаган. Табиийки мўғул қўшинлари кўп сонли маҳаллий аҳоли таркибига ўз асоратини ўтказа олмаган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳолида мўғул ирки аломатлари деярли намоён бўлмаган.

Ўзбек халқининг этник шаклланишида учинчи давр XI аср охири - XVI аср ҳисобланади.

Бу даврда сиёсий ва иқтисодий жihatдан анча бўшашган Марказий Осиёда маҳаллий ҳоким ва подшолар орасидаги тахт талашишлар, халқ оммасининг оғир аҳволга тушиб қолиши қўшни кучланчи ўзбекларга қўл келган эди. Темурийлар сулоласининг охириги ҳокимлари, жумладан Фарғона ҳокими Бобур ва Хирот ҳокими Хусайн Бойқаролар Дашти Қипчоқдан келган қудратли Шайбонийхон бошчилигидаги кўп сонли қўшинлар олдида ожизлик қиладилар. Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистоннинг Зарафшон, Сурхандарё ва Қашқадарё водийларида, Хоразм воҳаси ва бошқа районларда Шайбонийхон билан келган «ўзбек» номли туркий тилдаги қабилалар ҳам ўрнаша бошлайди, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетади. Улар янги заминдор (феодал) ларни барпо этиб, кўп ерларни зўрлаб мусодара қилиб

олганлар, Амир Темур йиллар давомида тўплаган барча бойликларни ўз қўлларига киритганлар.

Ўша даврда адабий ва тарихий асарлар, хусусан, «Шайбонийнома», «Нусратнома», «Абдулланнома», «Алпомиш» каби асарлар ўзбек тилида кенг тарқалади.

«Ўзбек» атамаси илмий жихатдан ҳали тўлиқ аниқланмаган. Дастлаб бу сўз нои араб муаллифи Усам ибн Мунқиз (XI аср охирлари) асарларида учратамиз. Кейин Рашидиддин солномаларида Жалолиддиннинг харбий навкарларидан бири ҳам «ўзбек» исми билан тилга олинади. Атоқли тарихчи Ҳамдуллоҳ Казвиний (XI аср) Олтин Ўрда Ўзбекхон бўлгани, тегишли ўлкани эса «Мамлакати ўзбек» деб атайти. Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийлар ўбекларни Олтин Ўрда номи билан боғлиқ деган фикрни билдирадilar. Бошқа манбаларга қараганда, XI аср охири - XII аср бошларида Абдулхайрхон ва унинг набираси Шайбонийхон кармоғидаги барча қадил ва элатлар бирикмасига умуман «ўзбеклар» деб ном берилган. Абдулғозининг «Шажараи турк» асарида ёзилганидек, Оқ ўрда подшоси Туктагухон ўлганда сўнг ўн уч ёшли ўғли Ўзбекхон тахтга келган. У ота-бобосининг дастури билан элни забт этиб, хар кимни мартабасига лойиқ ҳурмат қилиб, инъомлар берган. «Барча халқ уч сохиби давлатнинг сабабиндин шарафи ислом мушарраф билдилар. Андин сўнг барча Жучи элин ўзбек эди дедилар» (Абулғрзи Шажараи турк»). Унда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз қаерда қолади? Самарқанд, Хива ҳам, Бухоро ҳам ўзбекларники экан, бу ерларда ўзбек давлати бўлган экан, неча энди ўз тарихимизни XV асрдан, кимдир келиб-кетиб, номини қолдириб кетган даврдан бошлашимиз керак? Унгача ҳам бу ерда ўтроқ халқ яшаганку! Бу ерда ана шу ўтроқ халқнинг маданияти бўлган-ку! Ким келмасин, масалан, мўғуллар келган, XIII асрнинг 20 йилларида XIV асрнинг 70-йилларига қадар ҳукмронлик қилганлар ва уларнинг маданияти маҳаллий маданиятига сингиб кетган. Бунда маҳаллий халқнинг маданияти албатта, асос бўлган, устунлик қилган. Биз халқни номи билан эмас балки маданияти, маънавияти орқали

биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз.¹⁰ Аммо Туркистон ўлкаси ва ўзбек хонликлари рус мустамлакаси туфайли жахон капиталистик муносабатлари гирдобига тортила бошланади. Шу даврда аста-секин миллий уйғониш куртак отабошлайди. Миллий буржуазия пайдо бўлади. Улар ўзларининг мафкурачилари бўлмиш жаидлар орқали миллий ғурур ва хистуйғулар, анъанавий турмуш тарзи ва маданият равнақи учун жиддий кураш бошлайдилар. Чор ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати мазкур жараёнга тўсиқ бўлиб, ўзбек элининг жахон миқёсидаги ижтимоий чиқишини чеклаб қўяди. Бутун Марказий Осиёнинг чоризм даврида сунъий равишда Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига бўлинганлиги ҳам маҳаллий элатларнинг, шу жумладан ўзбекларнинг миллий бирлигига жиддий тўсиқ бўлди.

XX аср бошларига келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 2,8 млн. га яқин ўзбеклар яшаган бўлиб, шулардан тахминан 82 фоизи қишлоқларда, 18 фоизи шаҳарларда жойлашган. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, ўзбекларнинг анча қисми қўшни мамлакатларда яшаб, ўзларнинг этник хусусиятларини сақлаб қолганлар.¹¹

Ўзбекларнинг XIX аср иккинчи ярмидан то Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганда қадар тарихи, ҳаёти мустамлакачилик асорати остида кечди. Дастлаб ўзбеклар, Марказий Осиёлик бошқа халқлар билан бирга, XIX асрнинг 60-йилларида чор Россияси томонидан қурол билан бўйсиндирилди. Шу вақтдан бошлаб Туркистон ўлкани Россиянинг мустамлакасига айлантирилди. Дехқончилик маданияти ривожланган бу бой ўлка Россиянинг учун ривожланиб келаётган саноати учун ҳам ашё манбаига, қулай ва мумай фоида келтирувчи бозорига айлантирилди. Оқ подшонинг Туркистондаги маъмурияти ва рус саноатчилари миллатфуруш маҳаллий феодалларнинг қўмагига таяниб, ўлканинг захматқаш, муте халқини беармон таладилар. Туркистоннинг тақдири 1886 йили чор ҳукуматини қабул қилган

¹⁰ И.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқи 17 бет

¹¹ Ойдинов Н. “Ўзбекистон тасвирий санъатидан лавҳалар” Ўқит. 1997 й.

«Турки стон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом» деб аталган махсус қонун билан белгиланади. Ана шу қонун асосида чор Россия ҳукумати Туркистонда бир қатор мустамлакачилик тадбирларини амалга оширди. Шулардан бири: Россия қишлоқларида вужудга келган тенгликни бартараф қилиш ва рус деҳқонларининг ғалаёнларини бостириш мақсадида уларнинг бир қисмини Россиянинг ички нихояларидан Туркистоннинг Ёттисув, Сирдарё ва Фарғона вилоятларига жойлаштирилди. Маҳаллий деҳқонларнинг азалдан фойдаланиб келган ерлари тортиб олиниб, кўчиб келганларга тақсимлаб берилди. 90-йиллар бошларига келиб Сирдарё вилоятининг Авлиёта (ҳозирги Жамбул) ва Тошкент уездларида 20 га яқин, Хўжанд уездига 6-та рус қишлоқлари мавжуд эди. Шаҳарларни ҳам «руслаштириш» бошланди. Масалан, Тошкентнинг бир қисмига рус аҳолиси жойлаштирилиб, шаҳар иккига бўлиниб («янги шаҳар», «эски шаҳар») кетди. Марғилоннинг ёнида руслар учун алоҳида шаҳар бунёд этилиб, унга Скобелев номи (ҳозирги Фарғона) берилди.

Туркистон ўлкасининг шаҳарларида Россия саноат корхоналарининг асосан, тўқимачилик фирмаларининг ваколатхоналари, агентликлари, омборхоналари ташкил этилди. Ўлка Россия саноати учун зарур ҳом ашё (пахта, пилла, жун, тери ва х.к) лар ни йиғиш, Россия корхоналари ишлаб чиқарган газлама ва бошқа молларни қўллаш бозорига айлантирилди. Туркистон ўлкасида Россия саноатининг эҳтиёжларини қондириш ва бошқа харбий-сиёсий мақсадларни қўзлаб темир йўллар қурилиши бошланди, Россия тўқимачилик корхоналари тараққиётининг муҳим ҳом ашё манбаи ҳисобланган пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Ерли халқ ўз эркини ҳимоя қилиб чиққанда чор ҳукумати уларни аёвсиз бостирди, чор ҳукумати уларни аёвсиз бостирди, чоптирди, «Сибирь» қилди. Шўролар истибдоди даврида Ўрта Осиёда миллий -давлат чегаралаш ўтказилди. Бу жараёнда жиддий сиёсий хато-камчиликларга йўл қўйилди. Туркистон ўлкаси ҳудудий ва этник жихатдан янада парчаланиб кетди. Шундай қилиб, ўзбекларнинг XIX асрнинг иккинчи ярмидан то Ўзбекистон

Ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганда қадар тарихи, ҳаёти мустамлакачилик асорати остида кечди.

Шўролар ҳокимияти даврида бизнинг юртимиз авторитар марказга бўйсинувчи ҳом ашё етказиб берадиган қарам ўлкага айланади. Мамлакатимиз, халқимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жihatдан мутелик ҳолатига тушиб қолди.

Мустақиллигимизни қўлга киритганимизда бизга собиқ Иттифокдан, эски мустабид тузумдан қолоқ бир ёқлама ривожланган, пахта яккахокимлиги ва бой минерал-ҳом ашё ресурсларидан назоратсиз аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолди. «Бу оғир меросни яна бир хусусияти, -деди Президент И.Каримов Республика Олий Мажлисининг XIV сессиясида, - республикасининг ёқилғи ва ғалла масаласида марказга қарамлигида, ун, шакар, гўшт, сут маҳсулотлари каби энг муҳим озиқ-овқат молларининг, бошқа халқ истеъмоли товарларнинг, таёр маҳсулотларнинг четдан олиб келинишида якқол кўринади».¹² Ўзбек халқининг келажаги порлоқ келажаги буюк. Бундай ҳулоса қилинишича барча асос, шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Мамлакат ҳудудида машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлар топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъданлар мавжуд истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал ҳом ашё турларини ўз ичига олади. 900 дан ортиқ кон кидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард америка долларини ташкил этади. Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик миқдорда фойдалиқ қазилмалар олинмоқда.

Ўзбекистон тупроқининг ноёб унумдорлиги унинг муҳим хусусияти бўлиб, бу ҳол республика қудратли атросаноат салоҳиятига эга мамлакатга айлантириш имконини берди. Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи бозорда

¹² И.Каримов. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон» 1999. 4 бет.

талаб катта бўлган махсулот-пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчисис ва етказиб берувчисис ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, сахий ва меҳмондўст халқидир.

Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ абадий қадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамланган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш, жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор, омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб берди.

Ўзбекистоннинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. Кейинги йилларда аҳолининг табиий ўсиши бирмунча камайган бўлишига қарамай, у хали ҳам МДХ мамлакатлари орасида энг юқори даражададир.

Умуман олганда, Ўзбекистон халқи янги шароитда Республика ҳукуматимиз томонидан қўйилган муайян вазифаларни ўз муддатида бажариш учун хормай-толмай меҳнат қилмоқда. Бундай шароитда ҳар бир жамият аъзосининг ўз ватани ва унинг порлоқ истиқболига чинакам садоқатлиги, юксак сиёсий онги ва ўз вазифасини замонавий талаблар даражасида ниҳоясига етказилиши, маънавий етуклиги ва ахлоқий баркамоллиги ғоят муҳим ва хал қилувчи аҳамият касб этади. Шундай қилиб, ўзбек халқи Ўзбекистоннинг маҳаллий туб аҳолиси қиёфасида Ўрта Осиё Фарғона антропологик типи белгилари етакчидир. Ўзбек халқининг тарихи Аму ва Сирдарё оралиғида яшаган барча қадимий уруғ, қабила, элатлар ва ўша даврларда кечган этник ва маданий жараёнлар билан узвий боғлиқдир.¹³

¹³ <http://khorezmiy.uz>

II БОБ. ТАНЛАНГАН КОМПОЗИЦИЯ ТАХЛИЛИ

2.1. Тарихий хотирасиз келажак йўқ

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу - табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табарруқ тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку фойзани, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан.¹⁴

Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит

¹⁴ <http://www.e-tarix.uz>

концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ишотталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур.

Миллат, мамлакат ҳақида катта-катта минбарларга чиқиб гапиришнинг ўзига хос масъулияти бор. Муайян воқеа, шахсга муносабат билдираётганда, бу фақат бир киши ёки муайян тоифадаги кишиларнинг нуқтаи назари бўлиши мумкинлигини унутмайлик. Ёмон томони шундаки, субъектив фикр юқувчан бўлади. Чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бирёқлама фикр одамларни, энг аввало, тарих ўқитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам етказишади. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин. Бу - биринчидан.

Иккинчи масала шундан иборатки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.¹⁵

2.2. “Халким тарихи” композицияси ишланиш жараёни

Ҳар бир рассом учун кўнглига яқин мавзуни танлаш муҳим. Рассом ижодий фаолияти давомида бу мавзуни турфа ранглар ва ҳар хил композицияларда ифода этади.

Мен ушбу диплом ишимда тарихий мавзуда ишлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Ушбу деворий суратни ишлаш учун энг мос жой Ўзбекистон Давлат Тарихи музейи биносини танладим. Сабаби, ҳозирги даврда ёшлари тарихни ўрганиши, билиши, тарбияси, айниқса ёшларимизни маънавиятини

¹⁵ "Мулоқот" журналининг 1998 йил 5-сони

юксалтириш, уларни миллий руҳда тарбиялаш энг долзарб масалалардан биридир.

Композицияни ишлашга киришар эканман, мен аввало улуғ оилаларнинг ҳаёти, унинг қаҳрамонликлари, ибратга молик фаолияти билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдим. Тарихий мавзудаги, 2-жаҳон уруши даврида тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомахмудов (1890—1970) ва унинг хотини Баҳри Акрамова (1903—87) турли миллатнинг қаровсиз ва етим қолган болаларини фарзандликка олиб, таълим-тарбия берган.

Тарихий мавзуларда кўплаб асарлар яратган Ўзбекистон санъат арбоби Алишер Алиқулов ҳамда Содик Рахмоновлардан маслаҳатлар олдим. Шоаҳмад Шомахмудов ҳақида эшитган, билганларимни жамлаб, бирлаштириб, рамзий уч қисмдан иборат бўлган ушбу композиция ишимни бажардим.

Мен яратган рангтасвир композициясида Шоаҳмад Шомахмудов оиласи, уруш йилларида ота-онасининг қаровсиз қолган болаларни, ўз қаромиғига олган оила тасвирланган. Уруш йилларининг бу уч вақтини тасвирлашда мен уларни тарихий кўринишдаги равоқлар, нақшинкор устунлар билан ажратдим.

Асарнинг чап бўлагиди айнан уруш вақтини тасвирладим. Ўртадаги Шоаҳмад Шомахмудов ўзининг аёли Баҳри Акрамова ҳамда уч фарзанднинг тасвири келтирган, тарих бешигини тебратган оналар рамзини ифода этишга ҳаракат қилдим.

Асарнинг ўнг қисмида йиғим-терим, пахта териш вақтини тасвирлашга ҳаракат қилдим.

Композиция ўртасида савлат тўкиб турган Шоаҳмад Шомахмудов ва унинг атрофида болалар, милтиқ кўтарган уруш қатнашчилари, пахта териш ҳамда суғориш ишлари олиб борилаётгани тасвирланган. Гўёки уруш йилларида қанчалик машаққат бўлганлигини ифодалаганман. Шоаҳмад Шомахмудов марказда оқ кийимда, ундан рамзий маънода нур таралиб

турибди. Биз биламизки, Шоаҳмад Шомаҳмудов - инсонпарварликнинг юксак намунасини кўрсатган оила. Тошкент шаҳри аёлларининг Ўзбекистон аёлларига қарата қардош халқларнинг етим қолган ва эвакуация қилинган болаларини тарбияга олиш ҳақидаги 1942 йил январь мурожаати уларни шаҳардаги 17-болалар уйига олиб келди. Улар бошпанасиз қолган, турли миллат вакиллари бўлган 13 бола ва урушдан сўнг яна 3 болани ўз тарбияларига олишган.

Булар: Ҳабиба, Вова, Шухрат — рус, Ҳамидулла — украин, Рафик, Раҳматулла — татар, Холида — молдаван, Самуғ — чуваш, Йўлдош, Эргаш — яҳудий, Ҳалима — қозоқ, Қоровой, Неъмат, Муаззам, Ҳакима, Улуғбек — ўзбек.



Шомаҳмудовлар оиласи самарқандлик Самадовлар оиласи каби инсонпарварликни улуғловчи оила сифатида катта жасорат, қаҳрамонлик кўрсатди. Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи, «Ўзбекфильм» киностудиясининг «Сен етим эмассан» бадиий фильми яратилишига Шомаҳмудовлар оиласи ҳаёти асос бўлган. Бу оила шарафига Тошкентдаги Халқлар дўстлиги майдонида Халқлар дўстлиги монументи ўрнатилган.¹⁶

¹⁶ <https://www.ozodlik.org>

Фондаги айлана шаклидаги яратилган композицияни йиғишда фойдаланувчи тасвир тимсолида, ўнг ва чап қисмдаги тасвирлар орқа фонида ҳам бундай айланалар композицияни йиғиш бир-бирига боғлаш мақсадида ёзилгандир.

Хоҳ санъатда, хоҳ адабиётда бўлсин, тарихий мавзу, ўтган аجدодлар ҳаёти, уларнинг қаҳрамонликлари, ватанга муҳаббати, садоқати, биз, ёшлар учун намунадир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда тарихий мавзудаги, айнан Шоаҳмад Шомаҳмудов ҳаётига бағишланган, унинг болалар ўспиринлиги ва ҳокимият тепасидаги фаолиятини ёритиб берувчи композициянинг Ўзбекистон Давлат Тарих музейи биносининг кўзга ташланадиган жой деворига ўрнатилиши айтиш мумкин.

ХУЛОСА

Маълумки, ҳар бир миллатнинг тараққиёти унинг маданияти ва санъати даражаси билан белгиланади. Ўз навбатида давлатнинг маданият ва санъатга бўлган муносабати жамиятнинг ривожланиш даражасини аниқлайди. 90-йилларнинг бошларида юзага келган мушкул ўтиш даврида юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан ёш мустақил давлатимизнинг қатор санъат соҳаларига ҳомийликни ўз зиммасига олгани- санъатнинг ижтимоий феномен сифатида ривожланишига ҳамда миллий бадиий тафаккурнинг кейинги тарққиётига асосли замин яратиб берди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган тарихий дамларда ўз даври ва томошабини билан жонли, рўйи рост алоқа қила олиш, миллат ҳаётининг муҳим бўғинларида кечаётган ислохотлар жараёнини, мавжуд муаммоларни мўлжалга ола билиш имконияти санъатни ижтимоий ҳаётнинг олдинги қаторига суриб чиқара бошлади. Маънавий меросни қайта тиклаш, миллий маданиятни англаш жараёнлари санъаткорлар эътиборини- узоқ ва яқин ўтмишдаги Ватан тарихи, унутилаёзган қадриятлар қатламига, бир вақтлар катагон этилган мавзулар ва шахсиятларга жалб этди. Сўнгги йигирма йилликда кечган ижодий жараёнларда тарихий мавзунинг етакчилик қилгани ҳам ана шундандир.

Бугун миллий санъатимиз умумжаҳон бадиий манзарасининг ажралмас ва ўзига хос бўғини сифатида гавдаланди. Санъатнинг анъанавий турлари (томоша санъатлари, мусиқа, хунармандчилик соҳалари) билан бир қаторда Шарқ ва Ғарб маданиятлари уйғунлашувини намоён этувчи санъат шакллари (рангтасвир, графика, кино, телевидение) ҳам тўлақонли ривожланди.

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон санъати мураккаб ва серқирра ривожланиш йўлини босиб ўтди. Кўҳна тарих олдида йигирма йил албатта қисқа бир лаҳзадек туюлсада, давлатимиз тақдирида юз берган туб тарихий бурилишлар, авваламбор, Мустақилликнинг қўлга киритилиши кўҳна ижтимоий ҳаётнинг барча қатламларига ўзининг улкан ижобий таъсирини ўтказди.

Маҳобатли санъат ўзининг функционал вазифасидан келиб чиққан ҳолда биринчи бўлиб жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан ўз муносабатини билдиради. 90-йилларда яратилган миллий санъат ва маданиятнинг буюк арбоблари ва тарихий шахсларга бағишланган қатор маҳобатли санъат асарлари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланиш жараёнида ватанпарварлик ва фуқаролик бурчларини намоён этувчи санъат соҳасига айланди.

Рангтасвирда табиат, жамият, умумий инсоният турмуш тарзини, характери билишда бўёқлар бениҳоят катта роль ўйнайди. Ранглар ҳаётдаги ҳар бир ҳолатни кўриш характери очиқ берибгина қолмай, унинг сиру асрорларини ифодалаб берувчи ишончли воситадир. Ана шунинг учун ҳам рангтасвир тасвирий санъатнинг ўзига хос алоҳида бир тури ҳисобланади. Табиат ва ҳаётдаги нафислик, гўзаллик сирларини рангтасвир санъати даражасида бошқа бирор-бир соҳа очиқ бера олиш имкониятига эга эмас.

Мустақиллик йилларининг дастлабки даврида Ўзбекистон тасвирий санъатнинг барча соҳаларида алоҳида бир ижодий изланишлар, тарихий, маданий ва ахлоқий қадриятларнинг доирасини кенгроқ очиқ бериш, янгилаш таъминлари – рассомларнинг янгича бадиий талқинлар устида самарали иш олиб бораётганликларини намоён этади.

Мустақиллик йилларида мамлакат санъатнинг барча турлари қатори мамлакатни дунёга танитишда энг муҳим восита ҳисобланган тасвирий санъатга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Айрим ўзгаришлар санъатни янги ташқи таъсир, хорижий давлатлар билан алоқаларнинг фаоллашуви билан изоҳланса, бошқалари санъат соҳаларини ички мантиқий тараққиёти билан белгиланди. Бугунги кунда санъатнинг ривожланиши, ўсиши умумжаҳон жараёни бўлиб, бу соҳаларни бир бирига чамбарчас боғлиқлиги ва уйғунлигини кўрсатиб берувчи асарлар кўпайиб бормоқда. Ижтимоий ҳаётнинг турли қатламларида санъатнинг таъсири, энг аввало одамларга уларнинг онги ва ҳиссиётларига уларнинг турмуши

ахлоқи маънавий даражаси ва ҳаказоларга эмоционал таъсир кўрсатиш воситасида амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан санъат одамлар орасидаги муносабатни жамият ва санъат орасидаги муносабат деб қараш лозим бўлади. Зеро, санъат жамият аъзоларини аксарини ташкил қилади. Бу соҳалар ижодкорлари экран қаршисида якка шахс сифатида ёки билвосита, очик ё пинхоний тарзда ана шу шахснинг ижтимоий алоқалар ва муносабатларида ўз ифодасини топади. Санъат ва жамият ўртасида муносабатларининг реал кўринишлар алоқалари шакл жиҳатидан бутун дунё мамлакатларида қарийб бир ҳил тарзда кўринсада, унинг ички мазмун - моҳияти, маънавий қадриятларга муносабати ҳар бир мамлакатдаги мавжуд сиёсий тузум, иқтисодий шарт шароитлари билан боғлиқ ғоявий ва эстетик йўналишларига эга бўлади. Ҳар бир асар ёки лавҳани ижод этишда санъаткорнинг шахсий таассуротлари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур таассуротнинг сеҳрли оҳанглари қалбда акс садо берганидан кейингина у мавж урган илҳом билан қалам суради. Санъаткорга айниқса тиниқ хотиралар, ёрқин ҳаётӣ таассуротлар, у ёки бу асарнинг яратилишига туртки беради.

Ҳозирги кунда тасвирий санъатни ривожлантиришда иншоотларнинг интерьерларини безашда уларни тасвирий санъат асарлари намуналари билан бойитиб бориш давлат сиёсати сифатида тадбиқ этилмоқда. Яратилган асарларда миллий анъана ва миллий ғояларни тараннум эттириш рассомлар олдида турган улкан масъулият қилиб белгиланди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”. 1996 й.
2. И.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ» 1998 й.
3. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон» 1999.
4. Қадимий хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар // «Ўзбекистон тарихи» № 1, 2003 й.
5. «Ўзбекистон тарихи» номли журналнинг 2003 йил биринчи сониди ва «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият» номли тўпламда эълон қилинган мақола 48
6. Абдулаҳад Хўжаев, Комилжон Хўжаев. Қадимги манбаларда халқимиз ўтиши. Тошкент. 2001й. И.Жабборов. Ўзбек халқининг этнографияси. Т., «Ўқитувчи», 1994 й.
7. Ойдинов Н. “Ўзбекистон тасвирий санъатидан лавҳалар” Ўқит. 1997 й.
8. "Мулоқот" журналининг 1998 йил 5-сони
9. <https://www.urgiltma.uz>
10. www.e-tarix.uz
11. <http://khorezmiy.uz>
12. <https://www.ozodlik.org>

ГЛОССАРИЙ

Инглиз	Рус	Ўзбек	Маъноси
Abstractionism	Абстракционизм	Абстракционизм	XX асрда мавжуд бўлган санъат йўналиши, ҳайкалтарошлик ва графикада ҳақиқий жисмлар тасвиридан вос кечган санъат тури.
Self Portrait	Автопортрет	Автопортрет	(грек – ўзим) муаллиф сўз тасвирини ишлайдиган санъат асари. Бу жараёнда асар муаллиф ва ишланадиган модел бир объектда гавдаланади.
Academicism	Академизм	Академизм	Классик санъат турнинг қоидаларига амал қилиш. Қисмлари: қадимий афсона, Инжил, қадимги тарих. Турлари : неокласситсизм
Alla prima	Алла прима	Алла прима	(лот-биринчи уринишдан) тасвирий санъатдаги рассомлик усули, моҳияти шундаки, ишланадиган тасвир ҳеч бир ёрдамчи чизмаларсиз ишланади.
Animalism	Анимализм	Анимализм	(лот-жонивор, ҳайвонот) тасвирий санъатда ҳайвонлар, жониворларни ишлаш.
Biennale	Биеннале	Биеннале	икки йилда бир маротаба ўтказиладиган маданий - оммавий санъат фестивали.
Cardboard	Картон	Картон	(фран.сартон, итал.сартоне, сарга – қоғоз). 1. Қалин, қаттиқ ва жуда пишиқ қоғоз, оддий қоғоздан қалин. Қоғозга туширилган расм, эскиз, кейин у ўзакка туширилади (мато, девор, ёғоч ёки метал текислик).
Paint	Бўёқ	краска	ранг бўяш воситалари таркибининг умумий номи, маиший соҳада фойдаланишга мўлжалланган, предметларга суртилганда ёки бўктирилганда у ёки бу рангни беради. Кимёвий таркибига кўра пигментлар ва улардан тайёрланган бўёқлар минерал (ноорганик тузлар ёки метал оксидлари) ва органик (ўсимлик ва ҳайвонларнинг бирлашиши).
Short avant-garde	Қисқа авангардизм	Ниски авангардизм	XX аср бадий йўналиши, унинг ўзига ҳос хусусиятлари анъаналар, тимсолларнинг янги восита ва шакллари излашдир. Турлари: фовизм, кубизм, футуризм, экспрессионизм, дадаизм, сюрреализм, мавҳум санъат ва бошқалар.
Woodcut	Ксилография	Ксилография	дарахтга ишланган ўйма нақш. Расм юзаси текис бўлган, бўёқ билан бўялган тахта юзасига туширилади. Расмлар орасидаги чуқурлик ўймакор қаламча билан туширилади. Шакл 15000 гача босиб туширилган изни кўтара олади.

Cubism	Кубизм	Кубизм	XX аср 1 ярмининг замонавий йўналиши. Шаклланмаган, нур ва соясиз, истикболсиз, текислик ҳажмига қўйилган комбинатсиясиз (куб, шар, цилиндр, конус), қўпол шакллар. Бир бирини кесиб ўтувчи, сиқжигилган предмет ва шаклларни геометриялаш. Ранглар жилоси. Коллаж бўлиши мумкин.
Luck	Лак	Лак	(нем.ласк, фран. лакуер суртиш, қошлаш) 1. Турли эритгичларда суюқ ёки ярим суюқ ҳолатгача бўлган елим эритмаси. Лакни суртиш қуриган расм юзасига юпқа қатлам билан, ҳимоя қатламини яратиш учун суртилади. Қуриганидан сўнг лаклар ялтироқ қаттиқ парда билан қандайдир текисликни қошлайди, физик кимёвий таъсирларга қарши тура олади.
Glaze	Лессировка	Лессировка	(нем. Ласиерунг глазур, Ласиерен бўяш, Ласур кўк тош, фран. Гласер сирламоқ, глазур, ялтироқлик). Рассомлик санъати техникаси, корпусли рассомчилик юзасига ингичка, ярим тиниқ ранглар қатламини суртиш йўли билан чуқур ранг турларини олиш учун қўлланилади.
Line	Чизиқ	Линия	(лот. Линеа – зигир ип). Тасвирий санъат ва рассомчиликда ифодали тасвирий восита. Чизиқ, график ёки бўёқ воситалари билан тасвирий юзага чизиш орқали юзага келади. Чизиқ доим қалинлик, фарқлилик ва услубга эга бўлади. Тасвирий санъатда чегара, бирор-бир юза ва ўраб турувчи муҳит контури ҳисобланади.
Pap	Том	Мазок	мўйқалам тортиб бўёқ бериш – асосга (мато, картон ва бошқалар) туширилган бўёқли мўйқалам изи. Мазок билан ишлаш техникаси турли ва у муаллифнинг шахсий ҳаракати, олдига қўйган вазифалари, у ишлаётган материал хусусиятларига боғлиқ.
Marina	Марина	Марина	(фран.марине, итал.марина, лот.маринус – денгизга оид) денгиз кўринишлари ва кемалар тасвири. Манзаранинг мустақил тури сифатида марина ХВИИ асрда европа санъатида ташкил топган ва ўзининг илк тараққиётини голландия рассомлари томонидан топган. Марина жанрида ишловчи рассомлар маринистлар деб номланади.

Palette knife	Мастихин	Мастихин	(итал .местичино – куракчасимон асбоб) – пичоқ ёки куракча кўринишидаги пўлат асбоб. Мастихин рассомлар томонидан палитарни тозалаш ёки расмдан қуримаган бўёқни қисман ўчириш учун қўлланилади. Шунингдек, мастихин мўйқалам ўрнига бўёқни текис қатлам билан ёки расмга рельеф мазкалари билан суртиш учун қўлланилади.
Motive	Ғойа	Мотив	1) рассом томонидан тасвир учун танланган натура обекти, камдан-кам манзара. Мотив – боғлиқлик, расм ёки этюднинг тасвир ёки ранг ҳолатини аниқлайди. 2) безак санъатида – кўп марота такрорланиши мумкин бўлган орнамент композитсиясининг асосий элементи.
Mulyaj	Думмй	Думмй	натура ёки бирон-бир ҳайкалтарошлик асаридан олинган аниқ нусха. Мум билан бўялган (елим – гипс ва бўр аралаштирилган масса) мева, сабзавот ва бошқа предмет муляжлари баъзида ёрдамчи кўриш воситалари сифатида қўлланилади.
Sketch	Хомаки режа	Зарисовка	рассом томонидан тез бажарилган, катта бўлмаган ўлчамдаги рассомлик, графика ва ҳайкалтарошлик санъати асари.
Nature	модел	Натура	тасвирий санъатда рассом чизаётганда кузатадиган бутун борлиқ обектлари (предмет, одам, манзара). Натурани ва унинг таърифини танлашда рассом дунёни, ўз ижодий вазифасини сезади.
Still life	Натюрморт	Натюрморт	санъат жанри, инсонни ўраб турган муҳитни тасвирлайди, қоидага кўра, композитсион ташкил этилган (ўрнатилган). Жонсиз нарсалар, жонли табиат обектлари, буюмга қаратилган. Рамзий мазмунга ва ижтимоий ўхшашликка эга.
Image	Қийофа	Образ	санъатда бутун борлиқ ҳодисаларини тасвирлаш шакли, бутун борлиқни бадиий тасвирлаш шакли. Тасвирий санъатда образ фикрнинг аниқ, яққол тасвири.
Pointillism	Пуантилизм	Пуантилизм	тасвирий санъат техникаси, неоимпрессионизмга ҳос хусусият. Майда, баъзида нуқтали ёзув
Female	Розетка	Розетка	(фран.росетте, деярли – атиргул) – очишган гул (масалан, атиргул) тимсолидаги орнаментал безак.
List decorative	Декоратив безак	Декоративны орнамент	архитектура иншоотларида, декоратив безак санъатида тасвирий санъат

			воситалари ёрдамида яратиладиган орнаментал ва сюжет композитсиялари.
Romanticism	Романтизм	Романтизм	ижодий шахслигини англаш, ижод озодлигини Х ва ўзига ҳослигини В танганади суратда И билдиришда яққол намоён бўлди. XIX аср охирида санъат йўналиши. Бу санъат турида келажакка ишонч ва умидсизлик, анъана ва янгилик яратувчанлик, завқ олиш ва аччиқ кулгу, трагедия ва комедия, баланд ва паст, орзу ва кўнгли қолиш каби хусусиятлар бирлашади. Илк марта ўзининг
Rococo	Рококо	Рококо	XVIII асрда Европа пластик санъати услуби. Нафис, назокатли, декоратив кийин.
Figure	Расм	Рисунок	график воситалар – чизиқлар, штрих, доғлар ёрдамида қўлда чизилган тасвир. Уларнинг уйғунлиги пластик шакл, ранг ва нур уйғунлигини беради. Қондасига қўра, битта рангда ёки чегараланган миқдордаги ранглardan фойдаланилади. Технологияси: курак ва суюқ бўёқ воситалари. Қураклари: кўмир, графит қалам, сангина (қизил бўй). Суюқлари: туш, сепия, сиёҳ. Асоси: пергамент, қоғоз.
Reflex	Рефлекс	Рефлекс	графикада камдам-кам, тасвирий санъатда: ўраб турган объектлардан бирор-бир предметга ранг ва нурнинг тушган акси. Бирбутун қисмларининг кийин ўзаро алоқаси
Restoration	Тиклаш	Восстановить	хайкалтарошлик, тасвирий санъат ва бошқа (Миллар). Махсус усуллар у ёрдамида, илмий с тадқиқотлар асосида амалга ошириладиган камлашнинг барча турлари ва усуллари, шикастланган, бузилган маданият ёдгорликларининг тикланиши (архитектура,
Realism	Реализм	Реализм	санъатда: бутун борлиқнинг объектив тасвири. Кўпгина санъат йўналиши ва оқимларига ҳос бўлган ҳақиқатга мойилликнинг намоён бўлиши. Улар аниқ ёки ноаниқ намоён бўлади, ёки умуман мавжуд бўлмайди.
Retouch	Ретуш	Ретуш	(франс. Реточаж –, тўғирлаб қўйиш) – тасвир хатоларини тўғирлаш.
Rhythm	Ритм	Ритм	тасвирдаги композитсион қурилиш, ўз навбатида акетма кетлик ёки қайтарилиш қисмларини англатади. Ритм рассомлик образининг ифодавийлигини оширади, кучайтиради.

Sanguine	Сангина	Сангина	(франс. Сангуине, лот. Сангуинелис тўқ (қонли) қизил) – қизил ва жигар рангли қаламларнинг турли хил тоналари.
Light	Ёруғлик	цвет	тасвирий санъатда соя ёруғ` элементи. Натурада бўлгани каби, тасвирда ҳам бу атама энг ёруғ қисмларини ко`рсатиб беришда қўлланилади.
Chiaroscuro	Соя ёруғ	политен	нарсаларнинг шаклини ва ҳажмини тўғри бажаришда ёруғ ва соя қонунлари муҳим аҳамиятга эга.
Silhouette	Қиёфа	обликъ	натурада қоматнинг ёки предметнинг умумий ко`риниши. Санъат асарларида: қомат деб ортиқча деталлар, ортиқча ҳажмсиз турган предмет ёки натурага айтилади.
Symmetry	Симметрия	Симметрия	предмет ёки композиция асарининг шундай қурилишики, бир хил турдаги қисмларнинг бир-бирига нисбатан параллел жойлашиши, унда ихтиёрий объектнинг марказий ўқидан бир хил узоқликдаги масофада жойлашган ҳолати.
Sauce	Соус	Соус	мўйқаламда чизиш учун мўлжалланган графит ва сув аралашма -сидан тайёрланган қуюқ масса.
Easel painting	Дастгоҳли ранг тасвир	Станковая живопись	номи тасвир яратиладиган дастгоҳдан келиб чиққан. Дастгоҳли ранг тасвир доимо ўз мазмунига эга бўлади. Уларнинг бадиий хусусиятлари ташқи муҳитга боғлиқ эмас.
Style	Услуб	Стиль	муаллифнинг ижод мактабида рассомликнинг аниқ бир ёналишига характерли образли тизими қатъий бирлиги ва тасвирлаш усули. Атама турли маъноларда қўлланилади, кўпинча кенг маънода қўлланилади.
Background	Фон	Фон	(франс. – чуқурлик, туб) тасвирий санъатда натура, манзара, объектнинг орқадаги кўриниши, орқа плани тушунилади. Бунда фон одатда нейтрал ҳолда, ёки баъзи бир ҳолларда оддий тасвирга эга бўлган ҳолда жойлашади
Form	Форма	Форма	ташқи кўриниш. Тасвирий санъатда форма ҳажми, конструкцияни ҳамда мутаносибликни англатади
Chromatic colors	Хроматик ранглар	Хроматический цвет	бир-биридан асосий сифати, ва кўриниши билан ажралиб турадиган ранглар. Хроматик рангларга – қуёш нурлари тушганда ҳосил бўладиган, қуёш нурлари спектридаги ранглар. Ранглар спектори

			шартли равишда “ранглар доираси” да жойлашади. Бу доирада ранглар совукда иссиққа қараб кетма - кетликда жойлашади.
Pencil	Қалам	карандаш	Чизматасвир ишлаш учун ишлатилади
Lasting	Очирғич	Ризинка	Чизматасвирда ўчириш учун ишлатилади.
Arrangement	Компоновка	Компоновка	Матода текисликлигида композицион жойлаштириш ва қуриш
Cool color	Совук ранг	Холодный цвет	музни, қорни, сувни эслатувчи зангори, кўкиш, яшил, тўқ бинафша ва ҳаво ранглардир.
Warm color	Иссиқ ранг	Тепле цвет	Кунни, қуёшни, баҳорни ва гулларни эслувчи сарик, қизил, пушти ранглар
Prices	Соя	Тен	нарсаларнинг шаклини ва ҳажмини тўғри бажаришда ёруғ ва соя қонунлари муҳим аҳамиятга эга.
Half price	Яримсоя	Поли тен	ним соя, нарсаларда ва тасвирда ёруғ билан соя ўртасидаги қисм. юмшоқ қалам. Шу қалам ёрдамида ишланган асар ҳам «соус»
Sauce	Соус	Соус	дейилади. Рассомликда кенг тарқалган усуллардан бири. Биноларни безашда, дастгоҳли санъат асарларида кенг қўлланилади. Темпера билан ишланган картиналар, безаклар қуёш нури ва чангдан яхши асралса, ўз рангини, тусини яхши сақлаб қолади.
Setting	Постоновка	Постоновка	Ишлаш учун мўжалланган нарсалар жамланмаси
Sketch	Қоралама	Эскиз	Қисқа мудатли тасвир
Gamma	Гамма	Гамма	ранг гаммаси маъносида, рангнинг турли туслари, масалан, илиқ ва совук ранг туслари.
The tablet	Планшет	Планшет	Расм чизишда фойдаланиладиган ускуна
Sangina	Сангина	Сангина	Қораламалар учун ишлатиладигон қалам тури
Coal	Угол	Уголь	Қораламалар учун ишлатиладигон қалам тури
Retouching	Ретуш	Ретуш	Қораламалар учун ишлатиладигон қалам тури
Brush	Мўйқалам	Кист	Расм чизиш учун керакли анжом
Palette	Палитра	Палитра	рассом бўёқ қорадиган тахтача. Металл, чинни, баъзан ёғочдан тайёрланади. Маълум бир рассом, расм учун ҳарактерли бўлган ранг, бўёқлар ҳам палитра деб юритилади
Oil	Мойбўёқ	Мослинный Краска	- ўсимлик ёғи билан аралаштирилган бўёқлар: (лён, лола - қизғалдоқ ёки ёнғоқли).
Pastel	Пастель	Пастель	расм чизиладиган махсус рангли қалам, шу

			қалам билан чизилган расм. График қалам кўп фойдаланилади.
Watercolor	Сув бўйок	Акварель	Сув ёрдамида чизиладигон краска
Texture	Фактура	Эффект	бадий асар сиртининг ишланиш ёки тузилиши хусусияти. Бадий мохирликнинг ўзига хослиги ҳам, фойдаланилган материал сиртининг табиий хусусиятлари ҳам фактура деб юритилади.
The size	Хажм	Размер	текисликдаги шаклнинг уч ўлчамли тасвири.
Etude	Этюд	Этюд	(франц. - машқ) - рассом натурани ўрганиш жараёнида унга қараб, кузатиб чизган тасвир.
Volume	Шакл	Объём	жисмнинг ташқи кўриниши, чизилиши, хажмнинг конструктив тузилиши,
Background	Фон	Фон	замин - картина ва графика асари, рельеф ва нақшда асосий шаклнинг орқа кўриниши, қўшимча тасвир
Each	Тус	Тус	оханг, рангларга нисбатан ишлатилади.
Tone	Тон	Тон	юнончадан “кучланиш”, қаламтасвир ёки рангтасвир ишлаш жараёнида буюм туси ёки рангнинг ёруғлик тушиши натижасида ҳосил бўладиган ёритилиши, оч-тўқлик даражаси кучига айтилади.
Symmetry	Симметрия	Симметрия	- грекча сўз бўлиб, ўлчамларнинг бир-бирига мослиги, тенглиги, мутаносиблигидир. Симметриянинг бир канча турлари бор.
Silet	Силэт	Силэт	киши, хайвон, қуш, нарса ва бошқаларнинг сояга ўхшатиб бир рангда ишланган тасвири.
Sepia	Сепия	Сепия	жигарранг бўёқ. Шу бўёқда ишланган бадий тасвир.
Rhythm	Ритм	Ритм	композициянинг энг кучли ва ҳарактерли асоси ҳисобланади
Reflex	Рефлекс	Рефлекс	Нарсаларда шахсий соянинг энг чеккасига унинг ёнидаги нарсадан ёки текисликдан акс этган нурлар билан ёритилган жой.
Retouch	Ретуш	Ретушь	(франц. - тасвирни тузатмоқ) - тасвир (расм, фотосурат, нақш ва шу кабилар)ни қалам, бўёқ билан тузатиш, яхшилаш.
Foreshortening	Ракурс	Ракурс	(франц. гассоигец - қисқариш маъносиди)- тасвирий санъатда турли нарсаларни қисқартиб акс эттириш
Profile	Профил	Профиль	(итал. - кўриниш) - юз ёки бирор нарсанинг ён томонидан кўриниши.
Proportion	Пропорция	Пропорция	(лот.— муносабат) - бадий асарнинг алоҳида элементлари ва бутун асар

			катталиклари муносабати.
Postimpressionism	Постимпрессиони зм	Постимпрессиониз м	импрессионизмдан кейинги бадиий оқим.
Plinth	Постамент	Постамент	музей, бадиий кўргазмаларда хайкалларнинг тагига қўйиладиган мармар, ёғоч таглик.
Portret	Портрет	Портрет	(франц. - тасвир) - реал борлиқда мавжуд бўлган ёлғиз, икки ёки бир гуруҳ кишиларнинг тасвири.
Podramnik	Подрамник	Подрамник	таг ром, расм ишланадиган матони тортиб турадиган қурилма.
Podmalevka	Подмалевка	Подмалевка	(дастлабки суртма ишланмаги) - мойбўёқ билан подмалёвка ҳамда лессировкадан кейин, матодаги асосий босқич.
Plener	Пленер	Пленер	франц. (очиқ кенглик)- табиат, табиат манзараси, мухит, табиат кучоғида тасвирлаш ва унинг ўзига хослигини мужассам этувчининг ифодасини яратиш.
Plasty	Пластика	Пластика	уйғунлик, ифодалилик тасвирлар яратиш (санъати юнон. Пластике мулойим, гўзал) - хайкалтарошлик, бўрттириб ҳажмли турли шакллар яратишди
Prospect	Перспектива	Перспектива	нарсаларни текисликда тасвирлаш қонун-қоидаларини ўрганувчи амалий фандир.
Landscape	Манзара	Пезайж	(франц. жой, макон) - тасвирий санъат турларидан бири. Манзара.
Ornament	Нақш	Орнамент	нақш, безак. Геометрик шакллар билан ўсимлик ёки хайвонлар оламидан олинган тасвирларни кўшиб, уйғунлаштириб ишланган бўёқли, ўйма ёки чизма нақш, безак.
New original	Хақиқий	Оригиналь	асли, асл нусха, асл кўриниш
Nuance	Нозик фарқ	Нюанс	франц. нюансе нозик фарқ.
Form	Қиёфа	Образ	қиёфа, сиймо, ифода, талқин.
Easel	Молберт	Мольберт	рассомликда ишлатиладиган уч оёқли дастгоҳ. рекча сўз. Эгилувчан пўлатдан ясалган махсус асбоб
Mostixin	Мастихин	Мостихин	бўлиб, рангтасвир ишлаш жараёнида палитрани ортиқча буёқлардан тозалаш мақсадида ва қуримасидан олдин ногўғри қўйилган буёқ қатламини сидириб олиб ташлаш учун фойдаланилади.
The Battle of the genre	Маиший жанр	Бытовой жанр	кундалик турмушда учрайдиган ходисаларни ўзида акс эттирган тасвирий санъатнинг бир кўриниши.
Lots	Локлар	Локлар	рассомлар грунтларни локлар билан қоплашади, шунда мойбўёқ холстга сингиб кетмайди.



Эскизнинг рангда топилганлиги




Композиция бажарилиш жараёни



Композициянинг ўнг қисми



Композициянинг чап қисми



Композициянинг марказий қисми



Лойиҳа иши



Якуний иш фрагменти



Якуний иш